

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 444-ҳадис

444 - **Аллоҳ таоло унинг устидан пардасини ёпади. Сўнг уни гуноҳларига иқрор қилдириб, «Ана шу гуноҳларни биласан-а? Ана шу гуноҳларни биласан-а?» дейди. У «Биламан, эй Роббим», дейди. У Зот: «Сенинг гуноҳингни дунёда яширган эдим, бугун эса уларни мағфират қиламан», дейди. Сўнг унга яхшиликлар (ёзилган) саҳифаси берилади.**

(Абу Саъид Муҷибунножидий: (Ташриҳ).

1. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни шундай деганларини эшитганман:

«Қиёмат куни мўмин банда Робби азза ва жаллага яқинлаштирилади. Аллоҳ таоло унинг устидан пардасини ёпади. Сўнг уни гуноҳларига иқрор қилдириб, «Ана шу гуноҳларни биласан-а? Ана шу гуноҳларни биласан-а?» дейди. У «Биламан, эй Роббим», дейди. У Зот: «Сенинг гуноҳингни дунёда яширган эдим, бугун эса уларни мағфират қиламан», дейди. Сўнг унга яхшиликлар (ёзилган) саҳифаси берилади.

Мутгафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



